

хузуридаги Давлат тест марказининг 2013 й. 8 январдаги 1-Қ/Қ-сон, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 й. 8 январдаги 1-сон қарорига илова

2. Comparing University Rankings / I.F. Aguillo etc. // Scientometrics. – 2010. – Vol. 85.1. – P. 243–256. <http://dx.doi.org/10.1007/s11192-010-0190-z>. – Date of access: 04.10.2013.

3. Ганиева Б.И. Европа мамлакатларида рақамли кутубхоналарнинг ривожланиш фаолияти таҳлили // Электрон кутубхона тармоқларида илмий-таълимий ахборотлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологиялари.-Тошкент, 2014.-Б.17-25

## **АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ХОДИМЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**Исламова Х. Э.**

*Мақолада информацiон технологияларни киритиш шароитида АРМ ходимларининг билимини баҳолаш масалалари ёритилган. Таълимда ва таълимий ахборотларни олиш жараёнида мультимедия технологияларидан фойдаланишнинг таҳлили амалга оширилган.*

## **ВОПРОСЫ ОЦЕНКИ УРОВНЯ ЗНАНИЙ СОТРУДНИКОВ В УСЛОВИЯХ АВТОМАТИЗАЦИИ ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ**

**Исламова Х. Э.**

*В статье рассмотрены вопросы оценки уровня знаний сотрудников ИРЦ в условиях внедрения информационных технологий. Воспроизведен анализ использования мультимедийных технологий в преподавании и предоставлении доступа к образовательной информации.*

## **ISSUES FOR EVALUATING KNOWLEDGE OF STAFF IN THE CONDITION OF LIBRARY AUTOMATION**

**X. Islamova**

*The article considers the knowledge assessment level of IRC's employments in condition of information technologies implementation. Multimedia technologies in teaching and providing the access to educational information are analysed.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарорида республика олий ўқув юртлари рейтингини тўртта мезон асосида тузилиши кўрсатилган. Булар: ўқитиш сифати даражасининг индекси, талабалар ва битирувчилар малакасининг индекси, олий ўқув юртинининг

илмий салоҳиятига оид ва бошқа мезонлардир. Бошқа мазонлар қаторига ОЎЮ ахборот-ресурс марказининг (АРМ) адабиётлар билан таъминланиши, жумладан, электрон китоблардан фойдаланиш, электрон ресурсларга масофадан киришнинг ташкил этилганлиги кўрсаткичлари киритилган. Юқоридагилардан кўринадики, ОЎЮ рейтинги тўғридан тўғри ахборот ресурс маркази фаолиятининг замонавий талаблар асосида самарали ташкил қилиш билан боғлиқ экан. ОЎЮ қошидаги АРМни замонавий дастурий-техника воситалари билан таъминлашнинг ўзи етарли эмас. АРМни автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими билан ишлай оладиган юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш ҳам талаб этилади.

Бугунги кунда республикамизнинг барча ОЎЮ ахборот-кутубхона муассасалари автоматлаштиришга мўлжалланган АРМАТ-У дастури билан таъминланган.

Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини (ААКТ) жорий қилишда ахборот кутубхона муассасалари ходимларини автоматлаштирилган тизим билан ишлашга ўргатиш катта аҳамиятга эга. Автоматлаштирилган тизимнинг электрон каталоги маълумотлар базасини шакллантириш, адабиётларни бериш ва қайтариб олиш, қидирув ва буюртмаларни бажариш амалларини махсус дастур асосида ўқиб ўзлаштирмасдан туриб ААКТни ахборот кутубхона муассасаларида жорий қилишда муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам ААКТни ахборот кутубхона муассасасида жорий қилишда дастлаб, ходимлар махсус дастур асосида тизим билан ишлашга ўргатилади. ААКТни ўқитишда асосий эътибор тизимнинг автоматлаштирилган иш ўринлари (АИЎ) функцияларини ўзлаштиришга қаратилади.

Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими асосан бешта автоматлаштирилган иш ўрнидан иборат бўлгани учун тизимни ўргатиш мақсадида ҳар бир АИЎни бир модул сифатида қараймиз. Демак, ААКТни ўргатиш учун тингловчилар бешта модул асосида ўқитилиши керак.

1-Модул. Администраторнинг АИЎ.

2-Модул. Каталоглаштирувчининг АИЎ.

3-Модул. Китобхоннинг АИЎ.

4-Модул. Кутубхоначининг АИЎ.

5-Модул. Комплектаторнинг АИЎ.

Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимидаги АИЎ функцияларининг тингловчилар томонидан ўзлаштириш даражасини махсус тест ўтказиш йўли билан аниқлаймиз.

Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини ўқитиш учун ўрта махсус таълим тизими таркибидаги АРМ раҳбарларидан тузилган ҳар бири 10 кишидан иборат 10 та гуруҳ ташкил қилинди. Машғулотлар бошланмасдан аввал уларнинг автоматлаштирилган тизим тўғрисидаги билим, малака ва кўникмаларини аниқлаш мақсадида ҳар бир модул бўйича алоҳида тест ўтказилди.

Тест саволлари мазмуни бўйича шартли равишда 3 та гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳга ахборот кутубхона фаолияти тўғрисидаги норматив-меъёрий-ҳуқуқий, иккинчи гуруҳга MARC 21 майдонларини тўлдириш бўйича ва учинчиси замонавий хизмат кўрсатиш усуллари тўғрисидаги саволлар киритилди.

Тизим администраторининг АИЎ бўйича бериладиган тест саволлари асосан янги маълумотлар базаларини очиш, керак бўлмаганларини ўчириш, иш варақалари яратиш, библиографик ёзувларни экспорт қилиш ва маълумотномалар яратиш каби бир қатор функцияларга оид билимларини аниқлашга қаратилган.

Каталоглаштирувчининг АИЎ бўйича қўйилган тест топшириқлари таркибига тизим маълумотномалар базасини тўлдириш, библиографик тавсифларни шакллантириш ва импорт қилиш ҳамда китобхонларни рўйхатга олиш тўғрисидаги саволлар киритилган.

Кутубхоначининг АИЎ бўйича қўйилган тест топшириқлари таркибига буюртмаларни бажариш, адабиётларни қайтариб олиш, қарздорлар билан ишлаш ва кутубхона статистикасини юритиш функциялари тўғрисидаги саволлар киритилган.

Китобхоннинг АИЎда оддий қидириш, кенгайтирилган қидириш ва топилган адабиётларга буюртма бериш бўйича тингловчиларнинг билим ва малакасини аниқлашга мўлжалланган тест саволлари берилган.

Комплекторнинг АИЎ бўйича берилган тест саволлари асосан йиғма электрон каталогдан фойдаланиш ва йиғма ҳисобга олиш китобини юритиш вазифалари тўғрисидаги тингловчилар билимини баҳолашга қаратилган.

Ҳар бир АИЎ бўйича 36 тадан тест саволлари қўйилган. Саволнинг мураккаблик даражасига қараб 1-3 баллгача берилган. Яъни, 25 та савол 1 баллдан, 6 та савол 2 баллдан ва 5 та саволга тўғри жавоб берилса, унинг ҳар бирига 3 баллдан берилади. Шундай қилиб тингловчи максимал 52 балл тўплаши мумкин.

Тест синовларида иштирок этувчи тингловчиларни  $T_i$  билан белгилаймиз, бизнинг ҳолда  $i=1, 2, 3, \dots, 10$  га тенг. Тест синовларида қатнашувчи гуруҳлар сонини  $G_j$  билан белгилаймиз.  $j=1, 2, 3, \dots, 10$  га тенг.

Тингловчилар сони:  $T_i; i=1, 2, 3 \dots n$ ; Гуруҳлар сони:  $G_j; j=1, 2, 3 \dots m$ ;

Барча гуруҳлардаги биринчи рақамли тингловчиларнинг бешта АИЎ бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичини  $U^k$  белгиласак  $U^k = \sum_{i=1}^n V_i / 5$ ; Бунда  $V_i$ ,  $T_i$  тингловчининг январ ойида бешта АИЎ бўйича тўплаган ўртача балли ҳисобланади. Худди шундай йўл билан иккинчи, учинчи ва ўнинчи тингловчиларнинг бешта АИЎ бўйича тўплаган ўртача балларини аниқласа бўлади. Юқоридаги усулни ҳар бир ой учун алоҳида ҳисоблаганда тингловчиларнинг 10 ой давомида машғулотлар ўтилмасдан олдинги билимларини синаш имкониятига эга бўламиз. Олинган натижаларни 1-жадвал кўринишида ифодалаш мумкин.

1-Жадвал. АИЎ бўйича гуруҳларнинг дарс ўтилмасдан олдинги билим даражаси

гуруҳ	ой	Каталог -лаш- тирувч ининг АИЎ	Админс траторн инг АИЎ	Кутуб- хона- чининг АИЎ	Китобхо ннинг АИЎ	Комплек - таторнин г АИЎ
G1	январь	<b>V<sub>1</sub></b>	<b>V<sub>2</sub></b>	<b>V<sub>3</sub></b>	<b>V<sub>4</sub></b>	<b>V<sub>5</sub></b>
G2	февраль	<b>V<sub>1</sub></b>	<b>V<sub>2</sub></b>	<b>V<sub>3</sub></b>	<b>V<sub>4</sub></b>	<b>V<sub>5</sub></b>
G3	март	<b>V<sub>1</sub></b>	<b>V<sub>2</sub></b>	<b>V<sub>3</sub></b>	<b>V<sub>4</sub></b>	<b>V<sub>5</sub></b>
G4	апрель	<b>V<sub>1</sub></b>	<b>V<sub>2</sub></b>	<b>V<sub>3</sub></b>	<b>V<sub>4</sub></b>	<b>V<sub>5</sub></b>
G 5	май	<b>V<sub>1</sub></b>	<b>V<sub>2</sub></b>	<b>V<sub>3</sub></b>	<b>V<sub>4</sub></b>	<b>V<sub>5</sub></b>
G 6	июнь	<b>V<sub>1</sub></b>	<b>V<sub>2</sub></b>	<b>V<sub>3</sub></b>	<b>V<sub>4</sub></b>	<b>V<sub>5</sub></b>
G7	сентябр ь	<b>V<sub>1</sub></b>	<b>V<sub>2</sub></b>	<b>V<sub>3</sub></b>	<b>V<sub>4</sub></b>	<b>V<sub>5</sub></b>
G8	октябрь	<b>V<sub>1</sub></b>	<b>V<sub>2</sub></b>	<b>V<sub>3</sub></b>	<b>V<sub>4</sub></b>	<b>V<sub>5</sub></b>
G9	ноябрь	<b>V<sub>1</sub></b>	<b>V<sub>2</sub></b>	<b>V<sub>3</sub></b>	<b>V<sub>4</sub></b>	<b>V<sub>5</sub></b>
G10	декабрь	<b>V<sub>1</sub></b>	<b>V<sub>2</sub></b>	<b>V<sub>3</sub></b>	<b>V<sub>4</sub></b>	<b>V<sub>5</sub></b>

Биринчи гуруҳдаги бир тингловчининг бешта АИЎ идан тўплаган бали  $C_1$  бўлса, ўртача балли  $C^u = \sum_{i=1}^5 C_i$  га тенг. Бу ерда  $u=1, 2, 3, 4, 5$ га тенг.

Иккинчи, учинчи ва ҳ.к.з. ўнинчи тингловчиларнинг ҳам барча автоматлаштирилган иш ўринларидан олган балларини  $C_i$  деб олсак, ўртача жамлаган баллари  $C^u = \sum_{i=1}^5 C_i$  га тенг. Тест синовларидан сўнг олинган натижаларни куйидаги 2-жадвал шаклида ифодалаш мумкин.

2-жадвал. Биринчи гуруҳдан январ ойида барча АИЎ бўйича олинган тест синовлари натижалари

Январ												
G1 (1-гуруҳ)	АИЎ номи	T1	T2	T3	T4	T5	T6	T7	T8	T9	T10	ўртача кўрсаткич
1	Каталогизаторнинг АИЎ	C <sub>1</sub>	C <sub>2</sub>	C <sub>3</sub>	C <sub>4</sub>	C <sub>5</sub>	C <sub>6</sub>	C <sub>7</sub>	C <sub>8</sub>	C <sub>9</sub>	C <sub>10</sub>	D <sup>u</sup>
2	Админсраторнинг АИЎ	C <sub>1</sub>	C <sub>2</sub>	C <sub>3</sub>	C <sub>4</sub>	C <sub>5</sub>	C <sub>6</sub>	C <sub>7</sub>	C <sub>8</sub>	C <sub>9</sub>	C <sub>10</sub>	D <sup>u</sup>
3	Кутубхоначининг АИЎ	C <sub>1</sub>	C <sub>2</sub>	C <sub>3</sub>	C <sub>4</sub>	C <sub>5</sub>	C <sub>6</sub>	C <sub>7</sub>	C <sub>8</sub>	C <sub>9</sub>	C <sub>10</sub>	D <sup>u</sup>
4	Китобхонининг АИЎ	C <sub>1</sub>	C <sub>2</sub>	C <sub>3</sub>	C <sub>4</sub>	C <sub>5</sub>	C <sub>6</sub>	C <sub>7</sub>	C <sub>8</sub>	C <sub>9</sub>	C <sub>10</sub>	D <sup>u</sup>
5	Комплекторнинг АИЎ	C <sub>1</sub>	C <sub>2</sub>	C <sub>3</sub>	C <sub>4</sub>	C <sub>5</sub>	C <sub>6</sub>	C <sub>7</sub>	C <sub>8</sub>	C <sub>9</sub>	C <sub>10</sub>	D <sup>u</sup>
ўртача кўрсаткич		C <sup>u</sup>	C <sup>u</sup>	C <sup>u</sup>	C <sup>u</sup>	C <sup>u</sup>	C <sup>u</sup>	C <sup>u</sup>	C <sup>u</sup>	C <sup>u</sup>	C <sup>u</sup>	


Барча гуруҳлардаги тингловчилардан машғулотлардан олдин олинган тест натижалари қуйидаги 3-жадвалда берилган.

3-жадвал. Машғулотлар ўтказилмасдан олдин барча гуруҳларда ўтказилган тест натижалари

гуруҳ	ой	T <sub>i,1</sub>	T <sub>i,2</sub>	T <sub>i,3</sub>	T <sub>i,4</sub>	T <sub>i,5</sub>	T <sub>i,6</sub>	T <sub>i,7</sub>	T <sub>i,8</sub>	T <sub>i,9</sub>	T <sub>i,10</sub>
G1	январ	12	21	17	11	18	14	13	12	11	11
G2	февраль	11	11	9	7	18	14	9	14	10	9
G3	март	9	15	8	9	16	16	8	15	14	12
G4	апрель	12	18	14	13	18	18	15	19	20	17
G5	май	11	5	13	12	22	13	13	13	12	6
G6	июнь	13	9	14	19	13	11	8	14	14	7
G7	сентябрь	15	11	9	10	19	13	10	17	8	8
G8	октябрь	19	10	7	9	19	9	9	19	8	7
G9	ноябрь	9	15	5	14	19	18	8	11	17	8
G10	декабрь	12	18	7	13	19	9	11	14	11	6


Тингловчиларнинг барча автоматлаштирилган иш ўринлари бўйича тўплаган балларининг ўртача кўрсаткичи қуйидаги 1-диаграммада келтирилган. Диаграммдан кўринадикки, маърузалар ўқилмасдан олдин ўтказилган тест натижалари учта тингловчининг 15-20 балл қолганлари 15 баллдан паст балл тўплагани кўришиб турибди. Тингловчиларнинг олишлари мумкин бўлган максимал баллни МБ десак, у ҳолда маъруза ўқилмасдан олдин тингловчилар билимини қандай эканлигини кўраимиз.

*1-диаграмма. Маърузалар ўқилмасдан олдин тингловчиларнинг барча АИЎ бўйича тўплаган баллари*



Администраторнинг АИЎ -1, Каталоглаштирувчининг АИЎ-2, Китобхоннинг АИЎ -3 ва Комплектаторнинг АИЎ-4 бўйича тингловчиларнинг тўплаган ўртача баллари қуйидаги 2-диаграммада берилган.

*2-диаграмма. Тингловчиларнинг АИЎлариидан тўплаган балларнинг ўртача кўрсаткичи*



Диаграммадан кўринадики, маърузалар ўқилмасдан олдин фойдаланувчининг АИЎ бўйича тўпланган баллари юқори.

Тингловчиларга маъруза ўқилди, тарқатма материаллар тарқатилди, саволларига жавоб берилди ва дарс тингловчилар томонидан ўзлаштирилди. Барча гуруҳлардаги тингловчилардан машғулотлардан кейин олинган тест натижаларининг ўртача кўрсаткичи қуйидаги 4-жадвалда берилган.


4-жадвал. Барча гуруҳлардаги тингловчиларнинг маъруза ўқилгандан сўнг олинган натижаларининг ўртача кўрсаткичи

гуруҳ	ой	T <sub>i,1</sub>	T <sub>i,2</sub>	T <sub>i,3</sub>	T <sub>i,4</sub>	T <sub>i,5</sub>	T <sub>i,6</sub>	T <sub>i,7</sub>	T <sub>i,8</sub>	T <sub>i,9</sub>	T <sub>i,10</sub>
G1	январь	48	44	40	60	38	60	31	38	58	51
G2	февраль	38	54	48	35	44	45	55	28	41	40
G3	март	40	35	53	51	39	57	34	58	52	37
G4	апрель	49	40	44	53	44	47	65	43	59	30
G5	май	57	48	50	47	47	60	32	42	39	26
G6	июнь	48	63	54	56	49	41	30	42	25	36
G7	сентябрь	53	33	52	49	26	45	58	40	53	51
G8	октябрь	52	38	40	60	46	38	59	39	38	38
G9	ноябрь	42	40	30	54	37	40	37	51	44	45
G10	декабрь	44	66	56	52	46	47	39	57	52	51

Юқоридаги жадвал натижалари шуни кўрсатдики, январь, апрель, сентябрь ва декабрь ойларидаги ўқитилган тингловчилардан олинган натижалар қониқарли, қолган ойлардаги тингловчилар қониқарсиз ўзлаштирилган.


Маъруза ўқитилгандан сўнг тингловчиларнинг барча автоматлаштирилган иш ўринлари бўйича тўплаган балларининг ўртача кўрсаткичи қуйидаги 3-диаграммада келтирилган.

3-диаграмма. Маърузалар ўқилгандан сўнг тингловчиларнинг барча АИЎ бўйича тўплаган баллари



Каталоглаштирувчининг АИЎ -1, Админсраторнинг АИЎ -2, Кутубхоначининг АИЎ -3, Китобхоннинг АИЎ -4 ва Комплектаторнинг АИЎ-5 бўйича тингловчиларнинг тўплаган ўртача баллари қуйидаги 4-диаграммада берилган.

4-диаграмма. Маъруза ўтилгандан сўнг, тингловчиларнинг АИЎларидан тўплаган балларнинг ўртача кўрсаткичи



Диаграммадан кўринадики, тингловчиларнинг маърузаларни ўзлаштириш даражаси талабга жавоб бермайди. Шу сабабли ҳам, тингловчиларнинг билим даражасини янада ошириш мақсадида мультимедиали машғулотлар олиб борилди. Унинг натижаси 5-жадвалда берилган.


5-жадвал. Тингловчиларнинг мультимедиали қўлланмадан фойдалангандан сўнг олинган натижалари

гурух	ой	T <sub>i,1</sub>	T <sub>i,2</sub>	T <sub>i,3</sub>	T <sub>i,4</sub>	T <sub>i,5</sub>	T <sub>i,6</sub>	T <sub>i,7</sub>	T <sub>i,8</sub>	T <sub>i,9</sub>	T <sub>i,10</sub>
G1	январь	70	63	66	71	74	75	59	72	73	71
G2	февраль	65	58	69	71	68	64	63	59	72	77
G3	март	74	65	73	61	73	71	68	73	66	66
G4	апрель	59	72	68	62	72	66	70	66	74	75
G5	май	73	73	69	76	69	72	75	69	72	66
G6	июнь	61	60	65	68	68	67	61	74	60	66
G7	сентябрь	72	74	61	66	60	55	71	61	66	66
G8	октябрь	67	51	61	67	65	50	66	57	61	49
G9	ноябрь	56	61	49	55	67	68	67	51	62	62
G10	декабрь	58	62	74	61	73	77	68	70	70	53

Тингловчилар 2 соатга мўлжалланган мультимедиали қўлланмадан фойдаланишгандан сўнг олинган натижаларнинг ўртача кўрсаткичи яхши бахоланди. Уларнинг барча автоматлаштирилган иш ўринлари бўйича тўплаган балларининг ўртача кўрсаткичи 5-диаграммада берилган.




*5-диаграмма. мультимедиа қўлланмадан фойдалангандан сўнг тингловчиларнинг барча АИЎ бўйича тўплаган баллари*



Мультимедиа машғулотлар ўтилгандан сўнг Каталоглаштирувчининг АИЎ -1, Админсраторнинг АИЎ -2, Кутубхоначининг АИЎ -3, Китобхоннинг АИЎ -4 ва Комплектаторнинг АИЎ-5 бўйича тингловчиларнинг тўплаган ўртача баллари қуйидаги 6-диаграммада берилган.

*6-диаграмма. Мультимедиа қўлланмадан фойдалангандан сўнг, тингловчиларнинг АИЎларидан тўплаган балларнинг ўртача кўрсаткичи*



Бундан кўринадики, тингловчиларга фақат маъруза кифояланмай, балки мультимедиа ўқув қўлланмалар ва машғулотларни ўтиш ўз самарасини берар экан.

### ХУЛОСАЛАР

1. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини ахборот кутубхона муассасаларида жорий қилиш учун ахборот кутубхона муассасалари ходимларини автоматлаштирилган тизим функцияларидан тўлиқ фойдаланишни ўргатувчи махсус ўқув курси ташкил қилиш зарур.
2. Автоматлаштирилган тизимни ўргатишга мўлжалланган ўқув режа, дастур, ўқув адабиётлари, мультимедиа ўқув қўлланмалари ҳамда махсус тренажёрлар ишлаб чиқарилиши, тайёрланиши лозим.
3. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини ўқитишда модул усулидан фойдаланиш катта самара беради.

4. Автоматлаштирилган ахборот кутубхонани ўқитишда дастлаб каталоглаштирувчининг АИЎ бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказилиши, сўнгра, мултимедиали ўқув қўлланмалардан мустақил машғулотларда фойдаланилиши, зарур бўлган ҳолларда эса “Тренажёрлардан фойдаланиш” мақсадга мувофиқ.

5. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, ўқитувчининг бир маротаба тушунтириб бериши ва тингловчиларнинг мустақил равишда амалий машғулотларни бажариши автоматлаштирилган тизим функцияларини тўлиқ ўзлаштиришда етарли эмас.

6. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимининг ҳар бир модуллари: Администраторнинг АИЎ, Каталоглаштирувчининг АИЎ, Кутубхоначининг АИЎ, Китобхоннинг АИЎ ва Комплектаторнинг АИЎ тўғрисида назарий маълумотлар берилиб, амалий машғулотлар ўтказилгандан сўнг тингловчилар ҳар бир модул бўйича яратилган мултимедиали қўлланмалардан мустақил равишда фойдаланиши катта самара беради.

## **ИНТЕГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ В РАЗВИТИИ СИСТЕМЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ (НА ПРИМЕРЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ КОМПАРАТИВИСТИКИ)**

**Каримбеков С. А.**

*В целях совершенствования интеграционных процессов в системе образования необходимо обращаться к современной методологии, новой педагогической парадигме, к адекватному зарубежному и отечественному опыту. Определить концептуально-научный подход к теории, тенденциям, структуре и функциям. С развитием интеграционных процессов в системе высшего образования критерии и образовательные стандарты требуют совершенствования. Поскольку профиограммы и квалификационные характеристики не в полной мере отражают структуру динамической профессиональной деятельности специалиста, то в основу должна быть положена «модель готовности» к профессиональной деятельности.*

## **INTEGRATION PROCESSES IN THE DEVELOPMENT OF HIGH EDUCATION IN UZBEKISTAN (on the examples of comparative education)**

**Karimbekov S.A.**

*Taking as a target to develop integration processes in the field of education we need apply to modern methodology, new pedagogical paradigm, a dequate oversees and local experiences. Also to determine conceptual scientific approach to the theory, tendencies, structure and functions. With developing in the future all aspects of integration processes in the field of high education its criteria and educational standards will require permanent improvement. Thus current professional tests and qualification characteristics don't reflect fully the structure of specialist's activity and its dynamics there fore on the ground of that should be put the “model of readiness” to the future job acts.*